



Биз сайловнинг эртаси куниёқ белгилаб олинган улкан мақсадларни амалга ошириш бўйича қатъий ҳаракатларни бошладик. Чунки вақт, ҳаёт бизни кутиб турмайди. Даевнинг ўзи барчамизни тезкор бўлишга, керак бўлса, вақтдан ўзиди ишишга ундамоқда.

Кимки "Сайлов ўтди – сафарбарлик тугади", деб ўласа, хато қиласди. Ҳақиқий сафарбарлик энди бошланади. Чунки халқимиз бизга ишониб топширган катта-катта режа ва дастурларни ўзимиз бажармасак, айтинг, четдан ким келиб бажариб беради?

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГИ ДАВР УЧУН ЯНГИ ГОЯ ВА ЯНГИ ТАШАББУСЛАР КЕРАК!

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишиланган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги нутқида илгари сурилган мақсад ва вазифалар, пухта ўйланган режалар асосида мамлакатимизнинг кейинги даврдаги тараққиёти, халқимизнинг янада фаровон турмушини тъъминлашга қартилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан келгуси етти йилга мўлжалланган мақсадлар мамлакатимизда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, айни

даврдаги мавжуд глобал муаммоларга ечим топиш ва барча жабхалarda бошлаган испоҳотларимизни янги босқичга олиб чиқиш, тинчлик ва хавфисизликни барқарор тъъминлаш, халқаро ҳамкорликни

ривожлантириш ва пировардида, Ўзбекистоннинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъуллият ташомиллари ҳукмронлик қиласидаги кучли ижтимоий давлат сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига кўшишишига эришиш вазифалари белгилаб олинди.

Шу билан биргаликда, давлатимиз раҳбари "Олдимиизда турган давр Ўзбекистон учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳоларда туб бурилиш ва улкан ўзга-

ришлар даври бўлади. Кечаги натижага, кечаги қараш ва мезонлар энди тарих Улар энди бизни қониқтирмайди. Янги давр учун янги гоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади", деб таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, гувоҳи бўлаётганимиздек, бугун дунё қандай шиддат билан кескин ўзгариб бормоқда. Жаҳон миқёсидан бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда. Айни вақтда олдиндан таҳлил қилиб бўлмайдиган жараёнлардан иборат ўта мураккаб янги бир давр бошланмоқда.



Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ масалалари
ва корупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси

Бугунги сонда

ДАРЁЛАР СОҲИЛЛАРИ СОТИЛГАНМИ?..

Чирчиқка яқинлашган сайин кўнглинг хижил бўлади. Ариқларда сув шалдираб оқаяпти, ленингрида яшилликдан нишон ўйқ, майсалар қөвжирашиб ётибди. Қуёш нурлари куйдирган тепаликлилар атрофларида гишталар, бетон синиқлари, қандайдир симлар, ёғочлар кўринади, яқин ўртада бу ерларга ободонлаштириш ходимлари келмаган. Чала-чамти асфальтланган ўйлар гандек. Дарвоқе, саксон километрдан зиёд ўтбу ерларни маданият, цивилизация чеплаб ўтгандек. Дарвоқе, саксон километрдан зиёд ўтбу юрдик, бирор манзилда ва маҳаллада маданият ёки маърифат масканини учратмадик.

5

ФАҚАТ, ОНАНГГА ҮХШАМА, ҚИЗИМ!

Бундай аёлларга нисбатан нафратим ошар экан, ўша онанинг фарзанди бўлган қизалокларга мөҳрим ошади ва айтилар сўзларим тилимдан учади: "Кўзлари қўркувга, мунгга, қароғлари ёшга тўлган, болажон, бу дунё аслида жуда чиройли, бетакрор, унда сенинг бахтга, шодликка тўла келаҗагинг, бахтиёрлигинг бор. Бир кунусен мөҳр ғунча очган оиланинг маликаси, бекаси бўласан. Илмга, китоб ўқишига интил, маънавиятли фарзандлар тарбияла. Фақат, онангга үхшама, қизим!.."

5

ЛОҚАЙДЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Автобусда кетаётсам, энди гина тили чиқаётган болакай онасига бармоқларини кўрсатиб, "Мен иккита хотин оламан", дейди. Онаси ҳам кулиб, кимни оласан, деса, иккита-сингил кўшниларининг номини чала-чулла айтади. Она хурсанд бўлиб кулади. "Телевизордаги сериални томоша қиласида, бу" дейди. Ичимда, астағфуруллоҳ, дейман. Боланинг бу гапидан ку-вонманг, онажон, аксинча, ташвишланинг... дегим келади.

6

Сайловчилар олдидағи масъулият



"Адолат" СДП Сирдарё вилояти Кенгашы депутатлари мамлакатимизда олиб борилаёттан көнгүлдемелі ишпештілдер халқыннан фаровонлигіни ошириш, республиканизмін ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олишга ершишідан иборат эканлигini яхши аңлаган қолда, бу йүлда бор күч ва имконияттарини ишга солмоқдалар.

Маълумки, "халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашы депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонунда маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва депутатлик фаолияттинг асосий кафолатлари белгилаб берилган. Жумладан, унда депутатларнинг тегиши Кенгашларнинг комиссияларига сайлаш ва сайланиш, мажлисларга масалалар киритиш, масалалар юзасидан мулоҳазалар билдириш, сайланадиган, тайинланади-

ган ва тасдиқланадиган номзодлар бўйича тақлифлар билдириш, сўзга чиқиш ва депутатлик сўрови билан мурожаат қилиш каби ҳуқуқлари кўрсатилган. Сирдарё вилоятидан ҳозирги кунда "Адолат" СДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 2 нафар, халқ депутатлари вилоят Кенгашида 8 нафар, маҳаллий Кенгашларда 47 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Улар вилоядта 1 та, туман ва шаҳарларда 9 та депутатлик гуруҳларига бирлашган.

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашыда партиядан сайланган депутатларнинг 3 нафари Қонунчиликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича, Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича, Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссиялар расислари ҳисобланади.

"Адолат" СДПнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Салоҳиддин Элмуродов халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутатларининг фаолиятини баҳолаш мезони бўйича 5 та сиёсий партия депутатлари ичидаги жорий йилнинг апрель ойи ҳисобига кўра 1-уринни эгаллади. Умумий рейтинг натижалари бўйича ҳам вилоядаги депутатлар ўргасида апрель ойида 1-урин "Адолат" СДПдан сайланган депутатларга наисбет этиди.

Вилоядта партияни издан сайланган депутатлар 2023 йил биринчи чорагида 29 та депутатлик сўрови юбордилар, мансабдор шахслардан 9 нафарининг ҳисоботлари эшистилди, доимий комиссияларга 21 та масала киритилди. Сессияга киритилган масалалардан 3 таски кўриб чиқилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, депутат халқ ва давлат ўргасида кўпик, десак хато бўлмайди. Депутатлар вазифаларини сидқидилдан, ўзларига билдирилган юксак ишончга муносиб равишда адо этишса, халқ ва давлат ўргасида яқдиллик, бирдамлик устувор бўлади. Айнан шу нуқтаи назардан улар сайловчиларнинг муаммо ва тақлифларини ижро органига олиб чиқиши, жамоатчилик назоратини олиб бориши, сайловчилар олдиаги масъулиятни ҳамиша ҳис қилиши, ҳалол, тўғрисуз ва журъатли бўлиши талаб этилади.

Сирдарё вилояти кенгаши матбуот хизмати

Халқ ишончи оқланмоқда



Депутатлар халқнинг ишончли вакили сифатида уларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топа олувчи, халқнинг оғирини енгил қилиш мақсадида зарур ҳолларда мутасаддилардан турли муаммоли масалаларни қонуний тарзда ҳал қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга ваколатли шахслардир.

Бу борада халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгашы депутатлик гуруҳи томонидан амалга оширилётган ишлар ҳам эътироға лойиқ. "Таълим, соғликин сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича" доимий комиссия раиси М.Меҳмонов раҳбарлигидаги сессия кунга тартибидаги масалаларни адолатли таҳлил қилиш, халқ кўмакчисига айланниб фаолият кўрсатиш борасида бошмома.

Оилалар тинчлиги ва хотиржамлиги тартаққиёти билан муштарак. Фарзандлар тарбиячиси бўлган оналарни қийнаётган муаммоларни ҳал этиши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бандларни таъминлаш, турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашиси масъулларнинг доимий вазифасига айланниши зарур.

2023 йилнинг биринчи чораги давомида, Фарғона вилоят Кенгашы депутатлари, вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси раҳбари Д.Меҳмонова томонидан 126 нафар хотин-қизлар тадбиркорлик йўналишида ўқитилди, шулардан 79 нафари тадбиркор сифатида фаолият юритмоқда.

Жорий йилнинг шу даврига қадар "Аёллар дафтари"га олинган хотин-қизлардан 1122 нафар хотин-қизлар тадбиркорлик йўналишида ўқитилди, шулардан 79 нафари тадбиркор сифатида фаолият юритмоқда.

М.Меҳмонов яна бир хайрли ишга қўл урди. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги "Иқтидорли ўқувчилик ўргасида" таъминлаш таъмириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиши ўқувчиликни асосида ниҳоясига етказилди.

Шаҳардаги "Кокилон" МФЙ, "Дехқонбод" кўчаси 45-йуда яшовчи фуқаро Ҳафизахон Юсупова яшаш уйини таъмиришга амалий ёрдам сўраб қўнгиган мурожаати Кенгаш котибияти ва де-

путат Музаффар Меҳмонов билан бўйича ташаббус билан чиқди. Шаҳардаги 27-умумтаълим мактабининг иқтидорли ўқувчиларидан бирин бўлган 11-синф ўқувчи Зарифжон Абдувалиевнинг информатика ва ахборот-технология соҳасига бўлган қизиқишини инноватика олиб, уни моддий ва маънавий кўплаб-куватлади. Бу эътибордан руҳланган Зарифжон шаҳар фан олимпиадасида информатика фани бўйича фахрли 1-уринни эгаллаб, вилоят босқичига ўйлана олди. Депутат М.Меҳмонов томонидан унга юнга қўнгиган мурожаати таъмиришга асосида ниҳоясига етказилди.

Шаҳардаги "Кокилон" МФЙ ҳудудидаги 8-умумтаълим мактабида "Опен бюджет" бўйича таъмириш ишлари олиб борилаётган энди. Аммо мактабнинг спорт залини таъмириш ишлари ниҳоясига етмай қолиб кетди. Спорт анжомлари ҳам тўла олиб берилмади. Шаҳар ҳокими ӯринбосари А.Мамажонов, халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгаши котибияти мудири А.Назиров, халқ депутатлари шаҳар Кенга-

шининг 19-Кокилон округи депутати Музаффар Меҳмонов томонидан мазкур ишлар атрофлича ўрганилиб, камчиликлар бартараф этилди.

"Кокилон" маҳалла фуқаролар йигини ҳудудида истиқомат қиливчи аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи 8-сон қишлоқ оиласига поликлиникини биносини жорий таъмиришга ишлари сифати ҳам депутатлик гуруҳи томонидан доимий назорат қилиб борилади. Депутат томонидан мазкур бинонинг том қисми ва жорий таъмири харажатлари ҳомийлик асосида ниҳоясига етказилди.

Қувасой шаҳар депутатлик гуруҳи томонидан олиб борилаётган ишлар, ҳал этилаётган муаммолар, қонун устуворлигини таъминлаш ўйлайдаги сабъ-ҳаракатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Энг муҳим, халқ ўзи ишонган депутатдан унга қўнгиган тўлчипти. Депутатлар халқ ишончини оқлаш учун интилишашти.

**Гулчехра АХМЕДОВА,
Фарғона вилояти кенгаши
матбуот катibi**

Халқ депутатлари Бўка туман Кенгашидан эл-юрт ишончни қозонган ва бу йўлда сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган жонкуяр депутатлар талайгина. Айни вактда "Адолат" социал-демократик партиясининг халқ депутатлари Бўка туман Кенгашидан 6 нафар депутат фалият юритмоқда.

Бўкалик ноиблар фаол



Халқ депутатлари Бўка туман Кенгашидан бўшаб қолган 3 та депутатлик гурухи Кенгашидаги депутатлик гурухининг 2-надоридан мансабдор шахслардан 9 нафарининг ҳисоботлари эшистилди, доимий комиссияларга 21 та масала киритилди.

"Адолат" СДПнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашидаги депутатлик гурухининг 24-моддаси талабларига асосан туман прокурори Б.Йўлдошевнинг, ИИБ бошлиғи А.Бобохоновнинг, туман марказий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Х.Ваҳобовнинг ҳисоботлари тингланди, шунингдек, туман Адлия бўлимининг ва Халқ қабулхонаси мудирларининг ахборотлари эшистилди.

"Адолат" СДП Бўка туман кенгаши фаоллари Муҳаммадориф Гуломов, Фарида Даюба ва депутат Х.Абидова томонидан Бўка тумани, "Наврўз" маҳалласида истиқомат қилаётган аҳолининг муаммолари ўрганилиди. Натижада мазкур маҳалла ижтимоий кўмакка муҳтож оиласига мавжудлиги ҳамда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш бўйича аҳолидан келиб тушаётган эътироғларга сабаб бўлаётган, лекин ечими топилмаётган қатор муаммолар борлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридан Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил якунларни бўйича Миллий рейтинг натижаларига кўра Бўка тумани 18-уринга тушиб кеттганлиги маълум қилинган эди. Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича Бўка туман кенгashi раиси Н.Аббосовнинг 2022 йилнинг 15 октябрь кунидаги "Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан таъқидимлиларни милий рейтинг натижаларига келгусида туманда халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар тўғрисида"ги қарорига кўра, партия депутатлик гурухи томонидан бир қатор мактабларда ҳолатларнинг келиб чиқиши сабаблари ўрганилди. Ўрганиши давомида аниқланган камчиликларни бартараба этиши бўйича бир қатор тақлифлар киритилди.

Туманда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларни тазийик, ва ёзувонликдан ҳимоя қилиши борасида ҳам депутатлик гурухи фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, "Гендер тенглик фаоли-2022" миллий танловининг вилоят босқичидаги туман ғолиблар сафида бўлди ва "Адолат" СДП туман кенгashi ушбу милий танловида "Гендер тенглигига таъминлашда энг фаол нодавлат-нотижорат ташкилоти" деб эътироф этилди. Бу муваффақиятни таъминлашда партия депутатлик гурухи туман кенгashi раиси Х.Абидованинг ҳиссаси катта бўлди.

**Усмон ЖўРАЕВ,
халқ депутатлари Бўка тумани Кенгashi депутати**

Муаммо билан юзма-юз...

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қоровулбозор туман кенгashi раиси Н.Эшмуродов, халқ депутатлари туман Кенгashi депутати М.Бобоназарова ва партия фаоли Н.Салоховдан ташкил топган ишчи гуруҳ аъзолари "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида Қоровулбозор туманининг "Бўзачи" МФЙ ҳудуди ва аҳоли хонадонларига ташриф буюриб, жами 59 та хонадон, 1 та мактаб ҳолати ва аҳоли муаммолари билан яқиндан танишиши.

Ҳудуд аҳолисининг якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга банклар томонидан бериладиган имтиёзли кредитларни олиш тартиби ҳамда мазкур кредитларнинг минимал фоиз ставкалари билан қизиқиб, бу борада ҳуқуқий маслаҳат берилди тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида олинадиган кредитларни олиш тартиблари, мамлакатимизда тадбиркорлик фоилиятини либераллаштириш соҳасида амалга оширилаётган изчил испоҳотлар, қабул қилинётган қарор ва фармойишлар берорасида маълумотлар билан таништирилди.

"Бўзачи" МФЙда яшовчи фуқаро Л.Жўраева фарзанди Ж.Давлатова 2018 йил мактаби битиргани, ҳозирги кунда ишсизлигини, ишча кирмоқчи бўлганида мутахассислик сўрашганини маълум қилди. Ишчи гуруҳ аъзолари Ж.Давлатовани ўзи қизиқсанан ўйналиши бўйича Қоровулбозор касб-хунар мактабига ўқишига тўлди. Шу билан биргалиқда "Бўзачи" МФЙ ҳудудида жойлашган МТМдаги тиббиёт хоналари аҳволи билан танишилди ва керакли кўрсатмалар берилди.

"Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида Қоровулбозор туманинда ҳудудида яшовчи фуқароларнинг муаммолари ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ижобий ҳал этиб борилмоқда.

**Моҳигул РАХИМҚУЛОВА,
Бухоро вилояти кенгashi матбуот катibi**

ДАРЁЛАР СОХИЛЛАРИ

СОТИЛ ГАНМИ?

Июль ойидаги иссиқ ҳаммани салқин табиат қўйнига ҳайдади. Хумсон, Юсуфхона, Сижжак ва Амирсой томон шошаётган шаҳарликларнинг кети узилмайди. Денгиз ва тоғ туризмининг аҳамиятини энди англадик, шекилли.

**Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор**

Укамнинг "Матиз" русумдаги машинасида оиласвий тоқقا чиқадиган, Угам ёки Сижжак дарёси бўйида салқинланиб келадиган бўлдик. "Бочка"дан ўтиб, Угам дарёсининг Сижжакка қуийладиган жойига келдик. Ҳамма жойда шаҳардан келганлар, бирорта ҳам бўш супа йўқ. Укам машинасини тепага ҳайдади. Угам дарёси устидаги кўпrikдан ўтдик, сув бўйида салқинланаётганларни кўриб, тўхтадик. Минг таажжубки, дарё бўйлари симлар билан ўралган. Ҳар ўн қадамда супа, супгода дам олувчилар жам бўлган. Оқаётган дарёда қўлни, бетни чайишга имкон йўқ. Сим тўсиқларни рўпарадаги ҳовли эгалари ўрнатишган. Суриштисам, бўш жой йўқ. Битта супа кечгача 150 минг сўмдан, деди. Тунасак, 250 мингдан экан. Қизиқишим ошибб, дарё, ҳавза бўйларини сотиб олган мисизлар, деб сўрадим. Ўзини мулк эгаси деб таништирган ёш жувон, саволимга жавоб беролмай, қочиб қолди. Қизиқ, Угам дарёсининг деярли ярмини кезиб, бирор бўш жой тополмадик. Сув бўйларини рўпарадаги ҳовли эгалари хусусий мулк қилиб олган. Улар сувга яқинлашишга рухсат беришмайди, баъзилари сув бўйларида парранда, мол боқади ҳам. Айрим хонадонлардан ахлатлар дарёга ташлананаётиди.

Эртаси куни "Оқтош" дам олиш масканни томон бордик. Йўллар кенгайтирилаяпти. Янги бинолар қад кўтараияпти. Аммо ёшларни иш билан таъминлаш муаммо бўлиб қолаётганини сезиш қийин эмас, урса тоғни талқон қиладиган йигитларнинг қаторлашиб гап сотиб ўтирганидан шу фикрга кела-ман. "Алоқачи", "Оқтош" болалар дам олиш масканлари гавжум, бу шаклланган анъана. Лекин ушбу дам олиш масканлари ёнидан оқиб ўтадиган анҳорларнинг хусусий мулкка айлантирилганини таажжуб уйғотади. Бир пайтларни Комил Яшин номидаги оромгоҳ бўлган маскан ва унинг ёнидан оқадиган анҳорни, бир минг етти юз квадрат метр майдонни мул-кига айлантирган Г. исмли аёл фахрланиб қўяди. Аммо у анҳор ҳам, соҳили ҳам сотилмаслигини хаёлига келтирмайди. Худудига пул тўлаганларни қўяди.

Хўjakентга яқинлашган сарир Чирчиқ дарёси бўйларида қурилаётган дачаларга ҳавас билан қарайман. Тик дарё бўйига қурилган бу дачалар дам олиш иштиёқини оширади. У ерда камдан-кам кишилар дам олади. Айтишларига қараганда, уларнинг кунлик ижара ҳаққи 300 доллардан тепа эмиш. Синаб қўриш учун "Матиз"ни шу томонга бурдик. Хўjakентга кираверишдаги

Жой излаб Сижжак томон күтарилилдик. Тоза ва салқин ҳаво, күмкүк табиат, пастдаги ложувард дарё баҳри-дилингни очади. Бўстонлиқ, ҳақиқатан ҳам – бўстон диёр! Йўллар кенгайтирилмоқда, савдо масканлари тикланмоқда. Лекин сув бўйига яқинлашиш имкони йўқ. Ҳаммаёқнинг эгаси бор. Супаларни пуллашади. Бир амаллаб, "Сижжак" маҳалласи тепасида бир гектарча ерни эгаллаб олган кампир ҳовлисига рўпара келдик. Ҳар бир супа кеч-бу дачаларда барча имкониятлар мавжуд. Ҳаттоки, "Вай-фай" ҳам. "Дача" деб ёзилган ҳовли эшигини тақиллатдик. Икки қаватли ҳовли, бассейн, сув усти, яшаш учун барча нарсалар муҳайё, истасак, ошпаз келиб хизмат қилиши мумкин. Хоҳласак, Билдири-сой ёки Амирсойга чиқишимиз мумкин. Нархи 800 доллар! Ижарадор, икки-уч оила бўлиб келсанглар, арzonроқ тушади, деди. Бошқа дачаларни кўришга ҳожат қолмаганди.

гача 350 минг сүм, тунаб қолсак, хонаси 200 минг сүмдан. Бор шароити түрт күрпача түшалган супа ва ўчоқ. Арzonроқ жой қидириб яна тепага юрдик. Бас-сейни бор ҳовлини топдик, кунуга 800 минг, шанба ва якшанбага 1.5 миллион сүмдан сүради. Лойли сой бўйига бордик, 15 тачадам олувчилик чўмилишаётган экан. Қуёш куйдираман, дейди. Ҳеч қандай шароит йўқ, ташландик соҳил. Сижжак бўйини айланниб, аҳоли учун ҳеч қандай қулийлик, чўмилиш маскани яра-

**ХўЖАКЕНТ ЭТАГИДАН ТОРТИБ ТО
“Сижжак” маҳалласи охиригача
дарё темир ва бетон тўсиқлар билан тўсил-
ган. Уларнинг эгалари шунча жойга эгалик
қилиш ҳуқуқини қандай қилиб қўлга кири-
тишган экан? Дарёлар, ўрмонлар, сойлар
энди халқ мулки эмасми? Сойлар атрофи-
даги ахлатларни ким тозалайди? Экологик
партия ва санитария-эпидемологик бўлимлар,
Ёшлилар иттифоқи кўкка кўтариб мақтаётган
волонтёрлар қани? Туман маданият бўлими
ва мательифат ўчиқлари учун кенг ва ўта
фойдали бўлган туристик саёҳатлар уюшти-
ришдан қанча фойда олса бўлади? Дам олиш
масканларида маданият ва санъат ходим-
лари умуман кўринмайди, улар ўрнини ҳар
хил табобатчилар, “куф-сүф” чилар, башорат-
чилар, “қўлбола” хонандалар эгаллааб
олган. Минг бир майда-чуйдаларни,
гиёҳларни чанг ерга ёйиб, давобахш атаб тад-
биркорлик қилувчиларнинг сон-саноғи йўқ.**

ковжира бўтиби. Қуёш нурлари куйдирган тепаликлар атрофла-рида ғиштлар, бетон синиқлари, қандайдир симлар, ёғочлар кўри-нади, яқин ўргада бу ерларга обо-донлаштириш ходимлари кел-маган. Чала-чатти асфальтлан-ган йўлларнинг икки томонидан чанг кўтарилади. Гўёки, бу ер-ларни маданият, цивилизация четлаб ўтгандек. Дарвоҳе, саксон километрдан зиёд йўл юрдик, бирор манзилда ва маҳаллада маданият ёки маърифат маска-нини учратмадик. “Бочка” атро-фида дам олувчилар кўп, лекин супалар пулли, озиқ-овқат қим-мат, сифатсиз. Қимиз ичгандим, кўнглим айниди, ошқозонимда оғриқ турди. Укам ҳам безовта бўлди. Бир ярим литр қимиз 35 минг сўм. Уларнинг сифатига ҳеч ким кафолат бермайди. Ай-рон катик шарбат ҳакила ҳам даги ахлатларни ким тозалайди? Экологик партия ва санитария-эпидемологик бўлимлар, Ёшлар иттифоқи кўкка кўтариб мақта-ётган волонтёрлар қани? Туман маданият бўлими ва маърифат ўчиқлари учун кенг ва ўта фой-дали бўлган туристик саёҳатлар уюштиришдан қанча фойда олса бўлади? Дам олиш масканла-рида маданият ва санъат ходим-лари умуман кўринмайди, улар ўрнини ҳар хил табобатчилар, “куф-суф”чилар, башоратчилар, “қўлбола” хонандалар эгаллаб олган. Минг бир майда-чуйда-ларни, гиёҳларни чанг ерга ёйиб, давобахш атаб тадбиркорлик қи-лувчиларнинг сон-саноғи йўқ.

Хўжакент этагидан тортиб то "Сижжак" маҳалласи охиригача дарё темир ва бетон тўсиқлар билан тўсилган. Уларнинг эгалари шунча жойга эгалик қилиш хуқуқини қандай қилиб қўлга киритишган экан? Дарёлар, ўрмонлар, сойлар энди халқ мулки эмасми? Сойлар атрофи- инвестициялар киритаётган, сайдо ёхликни хўжалик соҳасига айлантириш учун маҳсус дастурлар қабул қилган бўлса-да, улардан фойдаланиш ижобий ўзгаришлар ясаётгани кузатилмайди. Аҳолининг дам олиш маданиятини оширишда Туркия, Дубай, Сочи, Карлово Вари, Иссик-кўл тажрибаларидан фойдаланиш керак.

Жойларда миллий маданиятимиз кўрки сифатида ибрат бўладиган хусусий рекреация марказлари, шаҳарлар атрофларида очиқ ҳавода, сув бўйларида аҳоли дам олишига мўлжалланган масканлар барпо қилиш лозим. Масалан, атрофи канал, дарё ва сув ҳавзалари билан ўралган Чирчиқ шаҳрида кенг аҳоли учун чўмилиш масканлари йўқлигини изоҳлаш қийин. Бу йилги аномал иссиқлик дарё, анҳор ва сув ҳавзаларидан аҳолининг дам олиш маданиятини оширишда кенг фойдаланиш зарурлигини кўрсатди. Лекин, қани ўшандай масканлар? Ёки дарёлар, анҳорлар соҳиллари бир гуруҳ шахслар кўлида қолиб кетаверадими?

Азал-азалдан юртимизда аёл номи эъзозланиб, қадри улуғланади.
Айникса, ўзбек хотин-қизларининг ибо-ҳаёси, болажонлиги,
оиласварпарлиги, сабр-тоқатига қўп халқлар лол қолгани рост.
Ота-онасиз ҳовли ғариб бўлганидек, фарзандсиз, боласиз уй ҳам
файзсиз, нурсиз эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

ФАҚАТ, онанға үхшама, КИЗИМ!

Азиза БОЙМУРОДОВА, халқ депутатлари Каттақұрғон туман Кенгаши депутаты

Ўзи емай, ўзи киймай, боласига илингандар боласи туғилганиданоқ улкан орзулар қучогида яхши ниятлар билан елиб-юрган, бир умр тер тўкиб, боласи баҳти, хурсандчилиги учун ҳалқа ош берган ҳам бизнинг хотамтой ҳалқимиз хисобланади. Оилада "Ота подшо бўлса, унинг доно вазири аёл", "Эр-как бош бўлса, аёл бўйиндир, бўйин қайси томонга қайролса, бош ҳам ўша томонга қарайди", деган гаплар беҳуда айтилмаган. Бу жамиятда, оилада ақлли аёлларнинг ўрни жуда муҳим деганидир. Ота кўчанинг одами, она уйдаги фарзандлар тарбиясига масъулдир. Оилада она тарбияланган, китоб ўқиган, маънавият-маърифат нурлари билан зийнатланган бўлса, бундай оилада ўсган йигит-қизларнинг кўзларида ўзига, келажакка ишонч нурлари чақнаб туради. Аксинча бўлса-чи? Онанинг ўзида тарбия бўлмаса-чи? Яъни, кўли муштга, калтакка югурик бўлса, бу хонадондаги муҳитнинг носоғломлиги туфайли фарзандлар кўзларида мунгни кўрасиз. Кейинги пайтларда ижтиёмий тармоқларда ҳам ана шундай маънавиятсиз, саводсиз аёлнинг фарзандларига муносабати, бераётган тарбияси, озори борасидаги воқеаларни кетма-кет учрататганимиз ачинарлидир.

Яқында яна шундай тасвирлардан бирига күзим тушди: ота-онасингин мұносабатин тушунмайдыган, дүнёдеги ҳар бир нарсага ҳайрат ва қувонч билан бояғеттан маъсумгина гүдакни юзларига шапалоқ билан уриб, чимчилаб, азоблағеттанини тасвирға олиб, у орқали турмуш ўртогига мурожаат қилиб, "Сен келмасанг ёки пул юбормасанг болаларингни бундан ҳам баттар қиласман. Ўлдираман, қандай калтаклағеттанини томоша қил", деб қизалогини урағеттан онанинг ваҳшийлигига чидаб туролмадим. Тўғриси, бу тасвирларни охиригача кўришга юрагим дош бермади, дархол компютеримни ўчирдим. Мен-ку шу билан ижтимоий тармоқдан узилдим, таъбир жоиз бўлса бундай ваҳшийликни кўриб, дилимни вайрон қилишдан қутилдим. Аммо менга бир нарса ҳеч тинчлик бермаяпти: у норасидан онасингин бафри тошлигидан жони оғриёттанини, чинкириб йиглағеттанини кўрган, оиласини, фарзандларини бокиши учун ўз уйидан, юритидан йироқда, мусофиричиликнинг аччиқ ма-шақатларини тотиб, ит ётиш, мирза туриш қилиб ўшаб, қора меҳнат қилаётган, бир сўм пул топса ўзи еб-ичмай хотинига жўнатаётган отаси қай аҳволга тушди экан? Ўзи бирон жойда ишламайдыган, маблағ топмайдыган, аммо пешона тери билан оила судраётган жуфти-ҳалолини рағбатлантириш, ширин сўзлар билан кўнглини кўтариш, болаларини ювиб-тараб, чиройли тарбиялаёттанини намойиш этиб, илҳомлантариш ўрнига ишдан қўлуни совутиб, кўнглини чўктириб, қалbidаги ҳаловатини ўғирлаётган аёллар она деган номга лойиқми?!
Т.Б.Б.

Тұғри, ҳар бир оиласда тушунмовчилік, үзаро низолар бўлиб туриши ва буни ота-боболаримиз: "Эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнига куриши", дея таърифлаши бежиз эмас. Бу эр-хотинга қаратса оиласдаги жанжалинги билорвога билдирма, деганидир. Шу билан бирга фарзандларинг олдида тортишима, бир-бирингга овозинги баландлама, айтишима", деб насиҳат қилишади. Митти гулғунчаларни аямай калтаклаётган она, қизалоқларига эшиттириб, "Қизларингиз сизга керак эмасми, менга ҳам керак эмас", деб турмуш ўртоғига бақираёттанини эшитган болаларининг қалбидаги гап бир умр мухрланмадимикан? Бу фарзанднинг қалбидаги отасига нисбатан нафрат, онасига нисбатан меҳрсизлик үруғлари ниш отмаслигига ким кафолат берада?

ТАҲРИРИЯТДАН:

Дархакиқат, кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда аәлларнинг турмуш ўртогига жаҳл қилиб, фарзандларини қалтаклаётган, азоблаётган ҳолатлари акс этган тасвирлар кўпайиб бормоқда. Шу жумладан, юқоридаги мақолада ҳам шу мавзу кўтарилигандан. Бу видеотасвирларни кўрганлар эса аәлларни тошбагирликда айблашаяпти, ҳамто оналикдан маҳрум қилиши масаласини ҳам ўртага ташлашаяпти. Биз ҳам оналарнинг бундай қаҳри қаттиқлигини, Аллоҳнинг улуғ неъмати бўлмиси болажонларга қиласётган жабр-зулмини оқлаш фикридан мутлако йироқмиз. Аммо танганинг икки томони бўлганидек, бу ҳолатга ҳам адолат билан ёндашимоқ лозим назаримизда. Шу ўринда онанинг ўз-ўзидан бундай разилликка бориши мумкин эмаслиги, бу қадар тушкунликка тушишига сабаб бўлган ҳолатлар ҳақида бир ўйлаб кўрайлик.

Бир мұшоқада құлапылқи-чи, тұрмұн үртоги хорижда ишлаб, фарзандлары таъминотини құлиб, уларни ҳеч нарасаға зориқтірмай, шу билан бирға хотиңига ҳам, болаларыға ҳам меҳру-мұхаббатини, соғинчини ҳұс құлдириб турған қайсы әркаккынға айлұп шундай разилликка құл уради? Биз аёлнинг фарзанды өз ҳамто үз жонига қасд құлуеви омиллар ҳақида, бунда оилабоши, сұяңған тоги бүлмиш әркаккынға үрни, тұғрироғи, “хиссаси” қанчалик эканлиги борасыда үйлаб ҳам күрмаймыз. Қишлоқтарымизда ҳеч қаерда ишламайдыған, на олий маълумоти, на ҳунари бүлмаған жуфти ҳалолиса уч-тұрт нафар болаларини, ҳамто кекса ва касал ота-онасина ҳам омонат қолдириб, бир ойда сезіларға китіма-китіма пул юбора бошлайман, дея қоп-қоп ваядалар беріб, ишлаш, оила тебратыш илінжида чет елга кетиб, кейінчалик бир-иккі марта пул юборған, үйлаб дом-дараксуз кеттеган ва “бошқа оила қурдим”, деген хабар юборған каша әркакпаз ҳақида аныттанғанымыз азында бұлдананымыз рост.

юборган қанча эркаклар ҳақида эшитганимиз, гувоҳи бўлганимиз рост.

Аслида ҳеч қайси она ўз боласининг, жигаргўшасининг оёғига тикан кирса чидай олмайди. Балки уларнинг қорнини тўйдириш имкони қолмагач, иқтисодий қийинчилликлар олдида чорасиз қолиб, на иш, на пул тополмагач, сўнгги чора сифатида, шояд болаларни азоблаётганимни эрим кўрса, уларга раҳми келиб уйга қайтар ёки маблағ юборар, деган хом хаёлда шафқатсизликка кўл уришига маъжбур бўлаётгандир? Тасвири эрига жўнатгач, бу қилмиши маънавий қашшоқлик, имлосизлик, ноҳақлик эканини англаса ҳам боласига озор етказсангиз, йўқадан оғизни табб, бозни иштаб, сар сар иштаб, эн

казгани учун ўзидан нафратланиб, боласини құчоклаб, зор-зор үйілгагандир...
Хар қандай ҳолатда ҳам боласини урмаслиги керак эди, норасида болада нима айб, дегевчилар топилади. Тұғри, бу ҳолат аёлнинг ўз қарарапарига үралип қолганио дүнекарашининг ҳаминқадарлығидан, сұнгги чора сиғатида золимлик қылаётганидан, чора излаётганидан дейиш мумкин. Аммо бирорнинг бошидан ўтганини бирор билмайди, дастурхони тұла ноз-неъматни тановту қылиб, кекириб ўтирган одам, ош-овқат сұраб мұлтыллаб турған болаларига нима беришини билмай азобланадаётгап аёлнине ақөлолини қандай тушунсын?
Бу узоқ давом этадиган, муҳокамаларға сабаб бўлладиган мавзу. Нима бўлганда ҳам умр ўйлдошидан меҳр кўрган, иқтисодий таъминланган баҳтли аёл бундай шафқатсизлик, беражмлик қулмайди, қила олмайди ҳам. Шу ўринда оиласини, болаларини – қоракўзларини ноchor ахволда қолдириб, юртидан үироқда оталик, эрлик масъулиятини унуттиб, аҳли аёлнини чорасиз ахволга соилиб, айш-ишратга берилган баъзи эркакларға сизнинг ғурурингиз, ор-номусинги қаерда қолди, дегимиз келади. Сиз қаерда бўлсангиз ҳам ўзбекнинг шаъни, ғурури, қадриятлари қалбингиизда бўлиши лозим. Ўзбекнинг марди аспо ўз жуфтис ҳалолини, зурриёдларини ноchorлик ботқоғига ташлаб кўймайди. Аёлнинг ўз ҳаддидан ошишига, меҳрибон онадан ваҳший, золимга айланисишига айнан сиз сабабчисиз оиласини аросатда қолдираётгап эркаклар! Фарзандларингизнинг азобланисиша, моддий таъминотсиз қолишида ҳам айнан сизнинг ҳам хиссангиз катта!..

